

МУТАХАСИСЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ХОЗИРГИ ЗАМОН АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ АҲАМИЯТИ

Исмоилов, И

Магистратура талабаси: МКQ-4 груҳи

У.Бахрамов

Илмий раҳбар: т.ф.н., профессор в.б

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7856780>

Билим олаётган талабаларнинг машғулотларни ўзлаштиришдаги мувофақиятлари ўқув жараёнининг на фақат тўғри ташкил этилишигагина эмас, балки уларни ҳозирги замон ахборот технологиялари имкониятларидан унумли фойдаланишларига ҳам боғлиқдир. “Муҳандислик коммуникациялари ва тизимлари” кафедраси талабалари кафедра ўқитувчилари томонидан яратилган ўзбек ва рус тилидаги юзга яқин электрон адабиётлардан фойдаланиш имкониятларига эгадирлар. Бу электрон адабиётлар талабаларни назарий, амалий ва мустақил ишларининг сифатини оширишга хизмат қилмоқда. Талабалар бундай имкониятларга Ziyonet интернет сайтидан фойдаланиб, кафедрада яратилган электрон ўқув қўлланмалар ва услубий кўрсатмалардан фойдаланиш орқали эришмоқдалар.

Кафедра талабаларининг асосий қисмининг рус тилини яхши билиши, уларни курс ва лойиҳа ишларини бажаришда, жаҳон интернет тармоғига чиқиб, лойиҳаланаётган иншоатларнинг ҳозирги замон талабларига мос келадиган турларини излашга ва уларни иқтисодий самарадорлиқ даражасидан келиб чиқиб, ўз лойиҳаларида қўллаш имкониятларига эга бўлмоқдалар.

Кафедра мутахасислик бўйича бакалаврлар ва магистрлар тайёрлайдиган даргоҳ бўлиб, бу ерда талабалар ўзларининг 4 ва 6 йил давомида олган билимлари асосида малакавий ва магистрлик диссертацияларини тайёрлаб, уни ҳимоя этгандан сўнг бакалавр ва магистр даражасига эришадилар. Бундай ютуқларга эришиш учун талабалар йиллар давомида олган билимларини бажараётган ишларида қўллашни, техникавий масалаларни ечишни, муҳандислик масалаларни мақсадидан келиб чиқиб, уларни ўзaro солиштиришни билишлари, тўғри қарор қабул қилишни ўрганган бўлишлари шарт.

Ҳозирги вақтда олий ўқув даргоҳларида мультимедия ва компьютер синфларидан талабаларни мустақил ишларини бажаришда фойдаланишлари, фанларни ўзлаштиришларидаги талабаларни етук мутахасис бўлиб етиштиришларидаги учун асосий мақбул усуллардан бири ҳисобланади, чунки бу мутахасисларни тайёрлаш дастурини талабига жавоб беради. Ўқиш жараёнига янги ўқитиш технологияларини жорий этиш ўқитиш услубларини тубдан ўзгартириб, мавжуд услублар билан бирга, талабаларни лойиҳалаш жараёнида олинган натижалар асосида тизимларни моделларини яратиб, уларни қандай натижалар беришини дастурлар ёрдамида кузатиш имкониятига эгадирлар. Бу эса талабаларни ижодий фикрлашга ва билим олишда янада фаол бўлишларига олиб келмоқда.

Компьютер технологияларидан талабаларни фаол фойдаланиши, турли хил мутахасислик масалаларини ечишга ишлатиладиган дастурлардан унумли фойдаланиш, ўқитувчидан олинган билим асосида ўқувчи ўзида мустақил равишда турли қийинчиликдаги масалаларни мустақил ҳал этиш кўникмаларини ҳосил қилади.

Ҳисоблаш техникасини қўлланиш босқичларини, ҳар бир педагог ечилаётган масалани, ўзи қуйдаги ҳолат моҳиятидан келиб чиқиб мустақил ҳал этади: ҳисоблаш ишларида лойиҳалаш босқичларини автоматлаштириш имконияти мавжуд ва турли ҳолатларни ҳисоблашда вақтни тежаш мақбул бўлса; талабада ўз билмини янада ошириш учун қўшимча манъбаларга мурожат қилиш зарурати интернетда чоп этилган маълумотлардан ва лойиҳаланаётган иншоатларни охирги чизмалари билан ташишиб, уларни ишлатиш керак бўлиб қолса; компьютердан фойдаланиб, лойиҳалаш натижаларининг чизмаларини махсус дастур AvtoCAD ёрдамидан яратиш; компьютер ёрдамида олинган натижаларни намойиш қилиш; мақсадга мувофиқлигидан келиб чиқиб машғулотларни талабаларга инфор­мацион технологияларнинг имкониятларидан фойдаланган ҳолда олиб бориш. Масалан, “Темир йўл станциялари ва аҳоли пунктларининг сув таъминоти” фани бўйича ҳисоблаш ишларини асосий қисмини EXCEL дастуридан фойдаланиб олиб борилганда ҳисоблаш ишлари бу дастурнинг ички имкониятларидан фойдаланилиб, бир бор тезлашади ва олинган натижаларнинг ҳаммаси жадвал кўринишида бўлганлиги учун яқунловчи натижалардан фойдаланиш қулайдир. Юқорида келтирилган мутахассислик фанларини ўрганиш вақтида турли хил ишчи ва носозлик юз бергандаги ҳолатларни моделлаштириш орқали, энг оптимал лойиҳани танлаб олиш имкониятини, компьютер дастурларини қўллаш ёрдамида амалга ошириш мумкин (фойдаланишда ёки қурилишига кам харажатли, иқтисодий асосланган лойиҳа). Демак, ахборот технологиялар фойдаланиш асосан янги мавзулар ўти­лаётган вақтда, лойиҳалашни босқичларида ва турли хил иншоатларни турларини танлашда қўллаш мақсадга мувофиқдир.

References:

1. Кларин М.В. Педагогическая технология и учебном процессе. Анализ зарубежного опыта. - М. : Знание. 1989. - 80 с.
2. Зеер Э.Ф. Личностно-ориентированное профессиональное образование. Учебное пособие. Екатеринбург: изд-во УГППУ, 1998. - 84 с.
3. Фарберман Б.Л. Прогрессивные педагогические технологии. Т. : ИПВССШ. 1999. - 84 с.
4. Ишматов қ. Илғор педагогик технологиялар фанидан маърузалар матни. Наманган. НамМПИ, 2000. - 84б